

ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМОТЛАР - ТАЛАБАЛАРДА ПОЗИТИВ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ МАНБА СИФАТИДА

Якубова Шахноза Еркинбаевна

УрДУ мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7445048>

Аннотация. Ушбу мақолада позитив дунёқарашини шаклланишига хизмат қилувчи воситаларнинг Шарқ алломалари таълимотларида ифодаланиши, шунингдек шахснинг позитив дунёқарашини ривожлантиришида аждодларимизнинг асарларидағи инсонни эзгу амалларга ундовичи педагогик таълимотлар илгари сурғанлар.

Калит сўзлар: англиш, маънавий-ахлоқий, маданий-интеллектуал, эстетик, педагогик мерос, тақидий фикрлаш, нафсни жиловлаш, «Мақсади ақсо», «Зубдатул ҳақойиқ».

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УЧЕНИЯ - КАК РЕСУРС ФОРМИРОВАНИЯ ПОЗИТИВНОГО МИРОВОЗЗРЕНИЯ У УЧАЩИХСЯ

Аннотация. В данной статье представлены средства, помогающие в формировании позитивного мировоззрения в учениях восточных мыслителей, а также в развитии позитивного мировоззрения человека, в трудах наших мыслящих предков выдвигаются педагогические учения, поощряющие людям делать добрые дела.

Ключевые слова: понимание, духовно-этическое, культурно-интеллектуальное, эстетическое, педагогическое наследие, критическое мышление, самоограничение, «Максади акса», «Зубдатул ҳагайық».

PEDAGOGICAL TEACHINGS - AS A RESOURCE FOR THE FORMATION OF A POSITIVE WORLDVIEW AMONG STUDENTS

Abstract. In this article, the tools that support the formation of a positive worldview are expressed in the teachings of Eastern scholars, as well as the pedagogical teachings that encourage people to do good deeds in the works of our ancestors in the development of a positive worldview of an individual.

Keywords: understanding, spiritual-ethical, cultural-intellectual, aesthetic, pedagogical heritage, critical thinking, self-restraint, "Maqsadi Aqsa", "Zubdatul Haqayiq".

Кириш

Инсон ҳар доим бунёдкорликка, эзгу амалларни бажаришга йўналтирилган ижтимоий педагогик жараённинг фаол иштироқчиси сифатида намоён бўлади. Инсоннинг асосий фаолияти ўзини ўраб турган муҳитдаги воқеа-ходисаларнинг моҳиятини англашга йўналтирилади. Билимларни эгаллаш натијасида таълим олувчилик табиат ва жамиятнинг хақиқий манзараси шахслараро муносабатлар, атроф муҳитни ўзлаштириш, воқеликни англаш, маънавий-ахлоқий, маданий-интеллектуал, эстетик жиҳатдан ривожланиш имкониятига эга бўлишларини мутафаккир аждодларимиз ўз педагогик таълимотларида асослаб берганлар. Буларнинг барчаси табиат ва жамият ҳақидаги объектив тасаввурни шакллантиришга хизмат қиласди.

Билимларни эгаллаш натијасида таълим олувчилик мустақил ва тақидий фикрлаш, чукур ўйлаш, яхши билан ёмонни ўзаро фарқлаш, изланиш, воқеликни олдиндан кўра билиш лаёқатига эга бўлганлар. Буларнинг барчаси таълим олувчиларда позитив дунёқарашини шаклланишига хизмат қиласди. Буюк мутафаккирларнинг педагогик

таълимотида таълим олувчиларда шундай лаёқатни таркиб топтиришнинг фундаментал асослари очиб берилган. Мутафаккир аждодларимиз билимлар шахс дунёқарашининг асосини ташкил этишини таъкидлаганлар. Билимларни ўзлаштириш жараёни таълим олувчилардан мустақиллик ва фаолликни талаб қиласи шунинг учун ҳам аждодларимиз педагогик меросида мазкур икки ҳолатида алоҳида эътибор қаратганлар. Таълим олувчиларда позитив дунёқараши шакллантиришда халқнинг ижтимоий тажрибаси кўп асрлик маданияти ва маънавий-ахлоқий моделлари муҳим аҳамиятга эга.

Асосий қисм. Марказий Осиёда яшаб фаолият кўрсатган буюк мутафаккирлар шахсни дунёқарашини ривожлантириш асосида уни маданий маънавий ахлоқий, интеллектуал жиҳатдан камол топтириш мақсадида ўқитиш методларидан унумли фойдаланганлар. Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино каби мутафаккирлар ўз педагогик таълимотларида таълим олувчиларга билимларни тақдим этишда бир қатор методларга устивор ўрин ажратганлар. Маълумки улар билимларнинг бунёкорликка ундовчилик аҳамиятини чуқур англағанлар. Сунки мутафаккир аждодларимизнинг педагогик таълимотида чуқур тавсифлаганган ақлий ҳамда эмпирик билимлар инсоннинг позитив дунёқарашини ривожлантиришнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам эмпирик билимларни тақдим этувчи методлари сирасига мутафаккирлар тажрибалар ўтказиш, кузатиш, воқеа-ходисаларни тавсифлаш, ҳамда ўлчаш имконини кволаметрик методларни киритганлар. Назарий билимларни тақдим этиш учун эса моделлаштириш, умумлаштириш, абстракциялаш, қиёслаш, эвристик изланиш, мунозарага киришиш каби методларини кўрсатиб ўтганлар. Мутафаккирлар ҳар бир методнинг шахс дунёқарашини ривожлантириш имкониятини алоҳида баҳолаб унинг таълими қадриятли жиҳатларини асослашга ҳаракат қилганлар.

Мазкур методлар таълим олувчи шахснинг дунёқараиш билим даражаси қобилияtlарини ривожлантиришга хизмат қиласи. Таълими қадриятли жиҳатдан ёндашганда ўқитиш методлари инсон дунёқарашини ривожлантириш нуқтаи назаридан самарадорлиги, аниқликни таъминлашга хизмат қилиши, барча учун тушунарлилиги, ишончлилиги билан аҳамиятлиdir.

Мутафаккир аждодларимиздан бугунги ёш авлодга интеллектуал мерос сифатида кўплаб ижобий нарсалар: иқтидор, кўтаринки нутқ, мулоқот маданияти, ақлий меҳнат кўникумалари, мустақил ва танқидий фикрлаш лаёқати, когнитив фаоллик, битмас туганмас салоҳият, негбинлик, бунёдкорлик, ижодий жўшқинлик мерос бўлиб ўтиб келмоқда.

Мутафаккир аждодларимиздан муайян даражаги биологик сифатлар ҳам ўтиб келмоқдаки улар шахснинг позитив дунёқарашини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Улар: миллий қиёфа, руҳий кўринкилик, негбинлик, хаёт севарлик, ментал тафаккур, интеллектуал ва бадиий иқтидор кабилар. Булар миллатимиз вакилларининг ўзига хослиги, кенг ва негбинликка асосланган дунёқарашини ифодалашга хизмат қиласи. Аждодлардан авлодларга ўтадиган хусусиятлардан энг муҳими позитив дунёқараашга эгаликдир. Аждодларимиз юксак салоҳиятга эгаси бўлганликлари учун ҳам уларнинг аксарият хусусиятлари, ақл-идроклари, негбинликка асосланган дунёқараашларига хос бўлган элементлар бугунги авлодларга ҳам етиб келган. Унинг кенгайиши ва мустаҳкамланишига эса асрлар мобайнида яратилган педагогик таълимотлар тархий-

маданий моделлар (Р.Сафарова), толерантликка асосланган хатти-харакатлар асос бўлиб хизмат қиласи.

Мутафаккир аждодларимизнинг педагогик таълимотлари бугунги кунда талаба ёшларимизда позитив дунёқарашни шаклланишига хизмат қиласи. Бу ўз навбатида талаба ёшларнинг бунёдкорликка асосланган фаолият тажрибасини эгаллашари учун педагогик асос бўлиб хизмат қиласи. Бугунги кунда талаба ёшларда позитив дунёқарашнинг ривожланиши кўп жиҳатдан мавжуд шарт-шароитлар ва таълим-тарбия мазмуни ва педагогик шарт-шароитлар билан бевосита боғлиқ. Чунки таълим-тарбия мазмунидаги ўзбек халқининг кўп асрлик маданий моделлари, ахлоқий стераотиплари ўз ифодасини топиши керак. Бу эса ўз навбатида талабаларнинг дунёқарашини кенгайтириб лаёқатларини рўёбга чиқишига хизмат қиласи. Талабаларда позитив дунёқарашнинг ривожланишида мутафаккир аждодларимизнинг педагогик таълимотлари ва унинг ижодий ўзлаштириш учун яратилган дидактик шарт-шароитлар муҳим дидактик аҳамиятга эга. Мазкур педагогик ёндашувлар талабаларнинг маданий-аҳлоқий сифатларини ривожлантириб, позитив дунёқарашни эгаллашлари учун қулай имконият яратади.

Талаба ёшлар дунуқарашининг ривожланиш кўрсаткичлари уларнинг кўп қиррали лаёқатларида ўзининг ўз ифодасини топади. Мазкур жараёнда дунуёқарашга асосланган индивидуал лаёқатларнинг ўзига хослиги намоён бўлади. Позитив дунёқараш талаба шахсининг таълим олиш ва ижтимоий фаолиятидаги ўзига хослигини ифодалайди. Бу: аждодларимиздан мерос бўлиб ўтиб келаётган ижобий хатти-харакатлар, юкори даражадаги эридуция, зеҳн ўткирлиги, мобиллик, мулоқот маданияти ва юксак эстетик дидда намоён бўлади.

Позитив дунёқараш шахснинг ўзигагина хос бўлган лаёқатларнинг ҳам намоён бўлишига хизмат қиласи. Бундай иноснлар алоҳида иқтидор эгалари ҳисобланадилар. Уларнинг барча хатти-харакатлари, лаёқатлари эзгу амалларни бажаришга йўналтирилган бўлади. Бундай иноснлар бадиий ижод ва илмий техник кашфиётлар билан шуғулланишга мойил бўладила. Улар ўз билим ва тажрибалари, моддий ва маънавий бойликларини эзгулик йўлида сарфлайдилар.

Шахснинг позитив дунёқарашини ривожлантириш муҳимлиги Накшбандаия тариқати илгари сурилган “баркамол инсонни тарбиялаш” концепциясида ўзига хос тарзда ифодалаб берилиган. Шахснинг позитив дунёқарашини ривожлантириш мутафаккир алломаларимиз фаолиятида етакчи ўринни эгаллаган. Позитив дунёқарашни шакллантириш учун биринчи навбатда шахснинг ички оламини ислоҳ қилиш, уни маънавий жиҳатдан поклаш, нафсини тийиш, мърифатини юксалтириш алломалар таълимотида етакчи ўринни эгаллаган. Улар ўзлари илгари сурган педагогик таълимотларида шахс одам ва олам сирларини ўзлаштириш орқали ўз дунёқарашини бойитиши зарурлигини уқтирганлар. Инсон ўз дунёқарашини бойитиши орқали муайян жамиядга яшаш ва ундаги қонун қоидаларга амал қилиш тажрибасига эга бўлади деб ҳисоблаганлар. Улар инсоннинг дунёқарашини бойитиши орқали нафсиға қарши курашиш кўниумасини ҳосил қилиш лозимлигини таъкидлаганлар. Мол-дунёга ҳирс қўйиш, айшувишратга берилишни катта гуноҳ ҳисоблаганлар. Мутафаккирлар инсон дунёқарашини ривожлантириш орқали ҳалол яшаш, нафси жиловлаш, қаноатли бўлиш, омонатга хиёнат қилмаслик, руҳиятни поклаш, иродани чиниқтириш орқали бунга эришиш мумкинлигини таъкидлаганлар. Мутафаккир аждодларимиз ўз асарларида инсонни эзгу

амалларга ундовчи педагогик таълимотларни илгари сурганлар. Улар шахснинг позитив дунёқарашини бойитиш асосида уни ёмон ишлардан сақланиш, сабру-қаноатли бўлишга ундаш мумкин деб ҳисоблаганлар.

Позитив дунёқараашга эга бўлган инсонлар ақлий-интеллектуал, маънавий-маданий ҳамда маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожланишга мойил бўлишини башорат қилганлар. ва Азизиддин Насафий (XIII аср) ҳамда Сайид Абдулкарим Гелонийлар ўз асарларида мазкур ғояларни кенг тарғиб қилганлар. Азидиддин Насафий ўзининг «Инсони комил» номли асарида инсонни дунёқарашини ривожлантириш орқали уни баркамоликка ундаш мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Инсонда позитив дунқараашни шаклантириш орқали уни баркамолика ундаш имкониятининг вужудга келиши илк бор Муҳиддин Ибн Арабий (1165–1240)нинг қарашларида ўз ифодасини топган.

Шайх Азизиддин Насафий ўзининг «Мақсади ақсо», «Зубдатул ҳақойиқ» «Комил инсон», асарларида шахс дунёқарашини ривожлантиришга оид педагогик таълимотини илгари сурган. Азизиддин Насафий баркамол шахсни шаклантиришга уннинг дунёқарашини ривожлантириш олам ва одамни билиш имкониятини кенгайтириш ва баркамоликка эришиш йўлини танланши нуқтаи назаридан ёндашган. Насафийнинг таъбирича баркамол инсоннинг маънавий олами яъни дунёқараши бой, руҳияти соғлом бўлиши лозим. У комил иносон ҳақида қўйидаги қарашларини илгари сурган: “Билгилки, Комил инсон деб шариат ва тариқат ва ҳакқиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондирким, унда қўйидаги камолга етган бўлсин: яхши феъл, яхши ахлоқ ва маърифат”.

Мутафаккирларнинг таъбирича баркамол инсон дунёқараши кенг, ўз ўзини мунтазам таҳлил қила оладиган, ривожланиш мотивларига эга бўлган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган шахсdir. Бундай сифатларга эга бўлган инсонлар сирасига кенг дунёқараашга эга бўлган, мантиқий фикрлаш лаёқатини намоён қила оладиган, ўз фикрларини аниқ далиллар ёрдамида ифодалай олиш лаёқатига эга бўлган шахсларни киритганлар. Бугунки кунда талаба ёшларда бундай сифатларни шаклантирувчи дидактик воситалар сирасига кўп асрлар давомида мутафаккир аждодларимиз томонидан яратилган илмий ҳамда бадиий асарларни киритиш мумкин.

Азизиддин Насафий шахс дунёқарашини ривожлантиришда қўйидаги икки ўйналишни асос сифатида белгилаб берган. Биринчиси – маънавий-ахлоқий сифатлар, иккинчиси – ўзини-ўзи англаш имконияти. Худди мана шу белгиларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигга асосланган ҳолда Азизиддин Насафий инсонларни тоифаларга ажратган:

1. Маънавий-ахлоқий сифатларни эгалламаган ўз ўзини ривожлантириш майиллари шакланмаган инсонлар.
2. Ахлоқий сифатларни эга, бироқ ўзини-ўзи ривожлантириши хоҳламайдиган инсонлар.
3. Ахлоқий сифатларга эга, ўзлигини англаш ва ўзини-ўзи ривожлантиришга мойил, кенг дунёқараашга эга инсонлар.

Шахснинг кенг дунёқараши, унда ўзлигини англаш ва маданий интеллектуал ҳамда маънавий-ахлоқий сифатларнинг таркиб топганилигига намоён бўлади. Шунинг учун ҳам мутафаккирлар шахснинг позитив дунёқарашини ривожлантириш учун унда ўз-ўзини англаш лаёқатини таркиб топтириш лозим деб ҳисоблаганлар.

Мутафаккир аждодларимиз позитив дунёқарааш згаси бўлган инсонларни шакллантириш учун биринчи навбатда, руҳий-маънавий жиҳатдан покланган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, инсоний сифатларни эгаллаган шахсни бошқа томондан эса, тариқат, шариат, маърифат ва ҳақиқат қоидаларини чуқур ўзлаштирган инсонларни тушунганлар.

Нақшбандийлик тариқатидаги шахсни позитив дунёқараашини ривожлантириш ғояси инсонпарварлик ғояси билан уйғунлашиб, унда эзгу амалларни бажаришга рағбат уйғотишга йўналтирилган. Шунинг учун ҳам шахсда позитив дунёқараашни ривожлантириш билан инсонпарварлик ғояси бир бири билан тўлдирган. Бундай ёндашув мумтоз адабиётда тўлалигича акс этган.

Шахсда позитив дунёқараашини ривожлантириш концепцияси Авестодан бошлаб, Жалолидин Румий, Муҳибидин ибн ал Арабий, Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолий, Фариддидин Аттор, Азизиддин Насафий, Яхё Суҳравардий, Ибн Сабоин, Абдураззоқ Кошоний, Абдулкарим Жилий, Маҳмуд Шабистарий, Абдураҳмон Жомий, Абдулқодир Бедил кабиларнинг қарашларида инсон дунёқараашини ривожлантириш имкониятлари, шахс ва жамият, одам ва олам муносабатлари, эркинлик ва маъсулиятлилик, суврат ва сийрат, руҳ ва ақл, замон ва макон муносабатлари доирасида ўзининг илмий ҳамда бадиий талқинини топган. Мазкур мутафаккирларнинг асарларида тариқат ва шариат қоидаларини билишга интилиш, маърифат ва ҳақиқатга интилиш, маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалиш орқали позитив дунқараашга эга бўлиш мумкинлиги эътироф этилган. Мазкур қарашлар биринчи Ренесанс даврида яшаб ижод қилган мутафаккир аждодларимиз Фаробий, Ибн Сино, Ибн Рушд, Умар Хайёмнинг шахсни дунёқараашини ривожлантириш ғоясига мутаносиб тарзда вужудга келган. Нақшбандия тариқати намояндалари илгари сурган педагогик таълимотларда инсонни маърифат ва ҳақиқат сирларини эгаллашга даъват этиш орқали дунёқараашини кенгайтиришга ундаш ғояси биринчи Ренесанс даврида яшаб ижод қилган мутафаккиларнинг инсоннинг ақл-идрокини ва билиш фаолиятини ривожлантириш концепциясининг узвий давоми ҳисобланади.

Биринчи ва иккинчи Ренесанс даврида мутафаккир аждодларимиз томонидан узвий тарзда ривожлантилган инсоннинг дунёқараашини ривожлантириш орқали камолотга етаклаш концепциясида шахс эгаллаши лозим бўлган барча эзгу амаллар, хатти-ҳаракатлар ва шахсий сифатлар ўз ифодасини топган. Бу шундан далолат берадики мутафаккирларимизнинг педагогик таълимотларида шахснинг дунёқараашини ривожлантириш асосида унинг ақл идроик ва маънавий сифатларини такомиллаштриш инсониятнинг энг катта орзуси ҳисобланган. Шунга кўра мутафаккир аждодларимизнинг асарларида шахснинг плзитив дунёқараашини ривожлантиришда ҳикматлар, дидактик фикрлар, ҳаётбахш ғояларнинг бадиий ифодаси муҳим аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилган. жумладан, Жалолиддин Румий ўзининг бир ватор асарларида шахснинг дунёқаришининг ривожлантиришга хизмат қиласиган ҳикматларни баён қилиб эзгуликка эриши, ақлий камолотни таъминлаш, руҳ ва қалбни поклаш йўлларини кўрсатиб берган. Жалолидин Румийнинг “Ичимдаги ичимдадиар” “Маснавии маънавий” каби асарларида инсон дунёқараашини бойитиша хизмат қиласиган қарашлар, унинг ақлий ва маънавий камолотга эришишини жадаллаштирувчи ҳикматлар воқебанд ҳикоялар берилган. Мазкур асарларда Румий инсоннинг дунёқараши, руҳияти, интилишлари, ақлий камолоти, ҳаётий мақсадлари ҳақидаги фалсафий педагогик қарашларини баён қилган.

«Ахлоқи Носирий», «Ахлоқи Жалолий», «Ахлоқи Мұхсиний» каби күплас фалсафий педагогик асарларда инсоннинг дунёқарашини бойитиш йўллари ва воситалари баён этилиб, илмий жиҳатдан асолаб берилган. Натижада комил инсон ҳақидаги қараашлар, фикрлар ривожлантирилган.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатдики, шарқ алломалари педагогик таълимотларида инсоннинг позитив дунёқарашини ривожлантириш орқали унинг ақлий камолотини таъминлаш ғояси устивор ўрин эгаллаган.

Позитив дунёқарашиб туфайли шахс ҳодисаларнинг мазмун моҳиятини англашга ундаш - ҳикмат қидиришга муваффақ бўлади. Инсоннинг позитив дуёқарашиб эгалиги унинг нутқи, атрофдагиларга муносабати, ҳаётий қадриятлари тумуш тарзида ўз ифодасини топади. Чунки уларда инсоннинг дунёқарашиб акс этади.

Хуроса

Шахс ижобий дунёқарашиб эга бўлганда бир қатор вазифаларни бажаришга мойил бўлади:

- Ўзи қадрият деб билган янги билимлар ва ахборотларни излаш
- Ўқиб ўрганиш жараёнида турли билимлар ва ахборотлардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш кабилар.

Аждодларимиз ёшларда дунёқарашини шакллантириш мақсадида таълим оловчиларнинг оламни яхлит тасаввур қилишлари учун кўплас топшириқлар ва саволлар билан банд қилганлар. Уларни мустақил ва эвристик изланишга банд қилганлар. Шу орқали талабаларнинг негбинликка асосланган дунёқарашини бойитишга эришганлар. Бунинг учун мутафаккирлар ўз таълимотида таълим оловчилар олдига мушоҳада қилишга, изланишга ундовчи топшириқлар қўйиш зарурлигини кўрсатиб ўтганлар. Шу мақсадда таълим муассасаларида толибларнинг тажрибалар ўтказиши, мураккаб, мустақил изланишларини амалга оширишлари учун қулай шароит яратганлар. Турли илмий ва бадиий асарларни мустақил мутолаа қилиш, таҳлилий фаолият билан шуғулланиш, илмий фаразларни ҳаётий тажрибалар билан қиёслаш натижасида толибларда илмсеварлик, негбинликка асосланган дунёқарашиб таркиб топган. Бундай ёндашувлар рижланиб педагогик таълимот даражасига қўтарилилган.

Бунинг натижасида таълим оловчиларда ўз фаолиятлари ва ҳаётий жараёнлардан қониқиши, атрофдагиларга нисбатан ижобий хис-туйғулар ва қадриятли муносабат тажрибасига асосланган позитив дунёқарашиб шаклланган. Маълумки мадарасаларда фаолият кўрсатган аксарият мударрислар бадиий ижод билан шуғулланганлар. Ижодий фаолият билан илмий педагогик фаолиятни уйғун тарзда амалга ошириш натижасида ўз ўқувчиларида юқори ҳиссий қўтариинликка асосланган ижобий дунёқарашини шакллантиришга муваффақ бўлганлар. Илм эгаллаш жараёнида толиблар илм эгаллаш ва уни эзгулик йўлида сарфлашга асосланган дунёқарашиб эга бўлганлар.

Педагогик нуқтаи назардан ёндошганда таълим оловчилар ўқиб ўраниш фаолияти билан шуғулланганда уларнинг дунёқарашида кескин ўзгаришлар вужудга келади. Бунинг натижасида амалий фаолиятлари ривожланади. Бундай педагогик таълимот шарқ алломалари фаолиятини асосини ташкил қилган. Мадрасаларда мударрислар таълим оловчиларнинг билимларни чукур ўзлаштириб, эзгулик йўлида сарфлашларини уқтирганлар. Шунинг учун ҳам аждодларимиз дунёқарашини асосини бунёдкорлик ғояси ташкил этган. Таълим оловчиларда ижтимоий фаолиятлари учун зарур бўлган амалий

кўникмаларни эгаллагач, янгидан янги билимларни ўзлаштириш ва уни эзгу мақсадларда қўллаш мотивациясини ҳосил қилганлар. Эзгу мақсадларни вужудга келиши шахсни бунёдкорликка ундовчи янгидан янги ғояларни туғилишига асос бўлади. Маълумки пухта эгалланган билимлар шахсни фаол ҳаракат қилишга ундейди. Буннёдкорликка асосланган бундай фаолият натижасида шахсни ривожлантирувчи идеал моделлар шаклланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Буюк алломалар, адаб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3721-сон Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4038-сон қарорлари
4. Педагогика:энциклопедияси. III жилд/ тузувчилар: жамоа. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2017. – 421 б.
5. Malikova D.M. Improving student’s expressive reading and artistic word performance skills // Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation; 32(3) ISSN 2651-4451 | e-ISSN 2651-446. PaGES:37656 – 37668 www.turkjphysiotherrehabil.org
6. Safarova R.G. Historical pedagogical sources and factors of development of students' logical thinking skills. Volume 1 issue 5 Uif. 2022: 8.2 Issn: 2181- 3337/P.630-634. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7077041>
7. Safarova Rohat Gaynullaevna.DEVELOPING PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE PROFESSIONALS ON THE BASIS OF CULTURAL APPROACH. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(9), 17–22. <https://internationaljournals.co.in/index.php/giirj/article/view/2470>
8. Safarova R.G. Developing professional competence of Future Professionsls on the Basis of Cultural Approach. Valume 27 (2022) of Miasto Przyszlosci. P 58-63. <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/493>